

Кўксаройда қабул

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 28 ноябрь куни Кўксаройда мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцянни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, унинг Хитой Давлат кенгаши Бош вазири сифатида Ўзбекистонга илк расмий ташрифи ХХР Раиси Си Цзиньпиннинг шу йил сентябрь ойида мамлакатимизга давлат ташрифининг мантқиқий давоми эканини таъкидлади. Мазкур давлат ташрифи якунлари давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга хизмат қилишини, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги стратегик шериклик муносабатларини изчил кенгайтиришга янги суръат бағишлаганини қайд этди.

Ўзбекистон учун Хитой ишончли ва муҳим шерик бўлиб, ушбу мамлакат билан ўзаро манфаатли ва узоқ муддатли ҳамкорлик ҳар икки давлатнинг узоқ муддатли манфаатларини эътиборга олган ҳолда ўзаро ҳурмат асосида йўлга қўйилган.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорлик деярли барча йўналишлар — сиёсий, савдо-иқтисодий, сармоявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда изчиллик билан жадал ривожланиётгани таъкидланди.

Кунги кеча Тошкентда бўлиб ўтган икки давлат ишбилармон доираларининг бизнес-форуми ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш, янги, авваломбор, юқори технологиялар соҳасида фаолият кўрсатадиган қўшма корхоналар ташкил этишдан томон-

лар бирдай манфаатдор эканлигини яққол тасдиқлади.

2013 йилнинг тўққиз ойи якунларига кўра, икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми 3,5 миллиард АҚШ долларидан ошди. Бу бутун 2012 йилдагидан анча кўпдир. Ўзбекистонда Хитой капитали иштирокида тузилган 488 қўшма корхона муваффақиятли фаолият юритмоқда. 2002 йилдан буюн Хитой сармояси иштирокида умумий қиймати 6,75 миллиард долларлик бир нечта лойиҳа амалга оширилмоқда.

2012 йилдан Хитойга Ўзбекистон табиий газ мунтазам етказиб берилмоқда. Айни пайтда “Ўзбекистон-Хитой” газ қувурининг учинчи линияси барпо этилиб, тўртинчи линияси лойиҳалаштирилмоқда. Уларнинг ишга туширилиши Ўрта Осиёдан ХХРга табиий газ экспорти ва транзитини кенгайтириш имконини беради.

Сухбат чоғида Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигига оид бошқа масалалар юзасидан ҳам фикр алмашилди.

Ли Кэцян самимий қабул, ўзаро ҳамкорликнинг долзарб масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқро муаммоларни атрофлича муҳокама этиш имконияти яратилгани учун Президентимизга чўқур миннатдорлик билдирди.

ЎЗА



Осиё кўёш энергияси анжумани иштирокчилари. С.Урмонов (ЎЗА) олган сурат

Она табиатнинг бебаҳо инъоми

Муносабат

20-23 ноябрь кунлари пойтахтимизда Осиё кўёш энергияси форумининг 6-йиғилиши бўлиб ўтди. Унда соҳанинг кўплаб таниқли хорижлик экспертлари, мутахассислари, олимлари иштирок этишди.

Албатта, айнан бизнинг серкўёш юртимизда бундай нуфузли анжуманинг ўтказилиши бежиз эмас. Зеро, кейинги йилларда республика-мизда қайта тикланувчи энергия манбаларидан

самарали фойдаланиш йўлида салмоқли тадқиқотлар олиб борилмоқда, амалий ишланмалар ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Юртимизнинг муқобил энергетика соҳасидаги улкан салоҳиятини яна бир бор намоён этган Осиё кўёш энергияси форумининг 6-йиғилиши мақсадлари партияимиз дастурий вазифаларига монандлиги билан “Адолат”чиларни мамнун этди, айни пайтда янги саъй-ҳаракатларга, изланишларга ундади.

OSIYO QUYOSH ENERGIYASI FORUMNING 6-YIG'ILISHI
20-23 noyabr 2013 * Toshkent

6th MEETING OF THE ASIA SOLAR ENERGY FORUM
20-23 November 2013 * Tashkent

6-е ЗАСЕДАНИЕ АЗИАТСКОГО ФОРУМА СОЛНЕЧНОЙ ЭНЕРГИИ
20-23 ноября 2013 * Ташкент

3 ➤

Соғлом оила — соғлом келажак

2013 йил — Обод турмуш йили

Пойтахтимиздаги 38-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида оилавий жамоалар ўртасида “Соғлом оила — соғлом келажак” мусобақасининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан энг кучли, деб топилган оилавий жамоалар ғолиблик учун куч синашди.

“Обод турмуш йили” Давлат дастури ижроси доирасида “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур аънавий мусобақа аҳоли, айниқса, оилалар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришда муҳим омили бўлмоқда.

“Соғлом оила — соғлом келажак” шиори остидаги оилавий жамоалар ўртасидаги мусобақа ҳам ушбу мақсадга хизмат қилмоқда. Мазкур мусобақада оилавий жамоалар ўз маҳора-

тини, ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва аҳиллик фазилатларини намоён этишди. Ота-онасининг ғалабага иштиқини кўрган ўғил-қизларда мақсад сари интилиш, ирода, матонат каби сифатлар шаклланади.


Мусобақада оилавий жамоалар баланд тўсиқлар эстафетаси, арқон тортиш, аргамчида сакраш сингари шартлар бўйича синашди.

Қибрайлик Комилжон Юсупов оиласи мусобақада биринчи ўринни кўлга киритди. Пойтахтлик Равиль Сафин, самарқандлик Бердиёр Туробов оилавий жамоалари кейинги ўринларга лойиқ топилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 21 йиллигига

Ҳуқуқ ва эркинликларимиз кафолати, бахтимиз қомуси



1991 йил 31 август куни Ўзбекистон Олий Кенгашининг ўн иккинчи чақирiq навбатдан ташқари олтинчи сессиясида Юртбошимиз томонидан Ўзбекистон Давлат Мустақиллиги эълон қилингани тараққиёт ва истиқлол, янги жамият қуриш, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш имкониятини яратди. Давлатимиз раҳбари ушбу сессияда сўзлаган нутқида мустақил Ўзбекистоннинг сиёсати — инсонийлик ва эзгулик қонунларига асосланиши, фуқаролар осойишталиги ва миллий муроса сиёсати бўлиб қолажиги алоҳида урғу берган. Мазкур таърихий 1992 йилнинг 8 декабрида қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ўзининг ҳуқуқий ифодасини топди.



Долзарб масалалар фракция муҳокамасида

Қонун ижодкорлиги

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг навбатдаги йиғилишида қатор қонун лойиҳалари муҳокама қилинди. Унда фракция аъзолари ва экспертлар, вазирлик ва ташкилотларнинг раҳбарлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этишди.

Йиғилишда дастлаб, “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йил тўққиз ойидаги ижроси якунлари тўғрисида”ги масала муҳокама қилинди.

4 ➤

2 ➤

«ОБУНА — 2014»

Қадри юртдошлар! Азиз муштарийлар! “Adolat” газетаси — маънавиятимизни янада бойитишда, ижтимоий фаоллигимизни оширишда, жамиятни демократлаштириш, халқимизнинг фаол фуқаролик позициясини шакллантириш йўлида замондошларимиз ҳамжиҳатлик билан бажарётган хайрли ишларнинг фаол тарғиботчисидир.

2014 йил учун обуна давом этмоқда.

Обуна бўлинг!

“Adolat”нинг нашр индекси — 100

“Adolat” ГАЗЕТАСИ СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ БУЛИШИГА ИШОНАМИЗ!

Нигоҳ

Долзарб масалалар фракция муҳокамасида

Давоми. Бош 1-бетда

Абдукамол РАҲМОНОВ, фракция аъзоси:

— Олий ўқув юртидан кейинги бир босқичли тизим жорий қилиниши муносабати билан илмий-тадқиқот муассасаларида фаолият олиб бораётган катта илмий ходим-изланувчилар сони жорий йилда 2012 йилга нисбатан 363 тага, ушбу мақсадлар учун кўзда тутилган маблағлар эса 6,1 млрд сўмга оширилганлиги эътиборга моликдир. Бу омил давлат олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори саналган «Адолат» СДП дастурий мақсадларига ҳамроҳлиги билан аҳамиятли.

Бундан ташқари, илм-фанни ривожлантиришга ҳисобот даврида 101,9 млрд сўм ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 23,7 фоизга кўп маблағ сарфланди. Хусусан, маблағларнинг Давлат илмий-техника дастурларининг устувор йўналишлари, илмий-техника фундаментал тадқиқотлари ва устувор йўналишлари дастурларини ҳамда инновацион ишланмаларни молиялаштиришга йўналтирилганлиги эътиборга молик.

Албатта, илм-фанни ривожлантиришга йўналтирилган маблағлар мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада ривожлантиришда, иқтисодийнинг модернизация қилиш ҳамда ишлаб чиқаришнинг техника ва технологик қайта жиҳозлашда муҳим аҳамият касб этишини эътиборга олиш зарур.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига асосан Халқаро кўшма энергияси институтини ташкил этилиши, мазкур институт фаолиятини ташкил этиш учун ҳисобот даврида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 229,1 млн сўм

маблағ ажратилганлиги ҳам фракция аъзоларининг алоҳида диққат марказида бўлди. Депутатлар Ўзбекистон «Адолат» СДП дастурида қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмида ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари муҳим ўрин эгаллагани ҳамда Давлат бюджетидан ушбу соҳага ажратилаётган маблағлар энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга доир партия дастурий ғояларига ҳамроҳан эканлигини эътироф этдилар.

Шунингдек, фракция аъзолари Давлат бюджетининг 2013 йил 9 ойлик якуни ижросини муҳокама қилиш жараёнида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва фаровонлигини ошириш, аҳоли пунктларини ободонлаштириш, маҳаллий аҳамиятга молик автомобиль йўлларини сақлаш ҳамда шаҳар, шаҳарча ва туманлардаги бошқа инфратузилмаларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган маблағлар ижросига муҳим эътибор қаратдилар.

Қизгин муҳокамалардан сўнг фракция аъзолари Ўзбекистон «Адолат» СДП позицияси нуктаи назардан ўз тақриф ва тавсияларини билдирдилар ҳамда Давлат бюджетининг 2013 йил 9 ойлик якуни ижросини маъқулладилар. Йўналишда «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси қизгин муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, янги таҳрирдаги «Хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонунни тайёрлашдан мақсад иқтисодиётда

хусусий сектор улушини кенгайтириш, хусусийлаштириш битимларининг очиклиги ва ошқоралигини таъминлаш, потенциал инвесторларнинг барча тоифаларига бир хил қулайликлар яратиш ва мулк ҳуқуқни таъминлашга қаратилган хусусийлаштириш жараёнининг янги босқичи хусусиятларини инobatта олган ҳолда замонавий стратегияни ва амалдаги хусусийлаштириш амалиётини қонун ҳужжатлари билан тартибга солинишини таъминлашдан иборатдир.

Ушбу қонуннинг қабул қилиниши хусусийлаштириш жараёнини чуқурлаштиришга, сифат кўрсаткичларини ўзгартиришга имкон яратади ва давлат мулкни бошқариш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг уйғунлашишига ёрдам беради.

Фракция аъзолари қонун лойиҳасини муҳокама қилиш асосида унинг алоҳида бобида давлат мулк бўлган объектларни хусусийлаштиришга тайёрлаш тартиби батафсил акс эттирилаётгани, хусусийлаштириладиган давлат мулк бўлган объект нархини белгилаш, тузилаётган битимларнинг ошқор ва очик-ойдин бўлиши учун муҳим бўлган шартларни яратиш мақсадида хусусийлаштириш шартлари ва унинг ахборот билан таъминлини тўғрисидаги қарорларни қабул қилиш тартиби белгилаётганини партия ғояларида ҳам акс этганлигини таъкидлаган ҳолда уни концептуал жиҳатдан маъқулладилар.

Йўналишда муҳокама этилган масалалар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Илос САХАТОВ, «Adolat» муҳбири



Қишлоқда пойабзал фабрикаси

Маҳсулот ўзимизники, Ўзбекистонники

Булунғур туманида яқинда очилган «Бугатти Шоес» хусусий корхонаси ички бозорга импорт ўрнини босувчи сифатли пойабзал етказиб бера бошлади. Хитой технологияси асосида жиҳозланган мазкур корхона дастлабки кунданок ўз маҳсулотига кўплаб буюртмачилар топди.

Жамоа раҳбари Бахтиёр Гайбуллаевнинг таъкидлашича, тадбиркорлик учун

яратилган қулай шарт-шароитлар бу ерда ишлаб чиқариш самарадорлигини



ошириш, рақобатбардош маҳсулот тайёрлаш ва ишчи-ҳодимларни юқори маош билан таъминлаш имконини бермоқда.

Дарвоқе, «Халқ банки» вилоят бўлимининг кредити ҳисобига ташкил этилган мазкур корхонада бугунги кунда 80 нафар ходим баракали меҳнат қилапти. Уларнинг ярмини шу йил Булунғурдаги касб-хунар коллежини тамомлаган мутахассислар ташкил этади. Жамоанинг саъй-ҳаракатлари билан ойига салкам юз хилдаги 15 минг жуфт эркаклар пойабзали ишлаб чиқарилиши янада кенгайтириш ва модернизациялаш ҳисобига ўз маҳсулотини хорижга экспорт қилишни режалаштириётганини таъкидлаш жоиз.

Суратларда: корхона фаолиятинан лавҳалар.

Зоҳир ТўРАҚУДОВ (фото)

Неъматлар ўлкаси —

Тадбиркорлик

Янгиқўрғон олма, олхўри, ўзум, анжир, анор каби сархил мевалар энг кўп етиштирилган туманлар сирасига киради. Айти пайтда бу ерда деҳқончилик, чорвачилик ҳам яхши ривожланган. Туман қишлоқларида етиштирилган картошканинг таъми ўзгача бўлгани учун бозори ҳам чаққон.

Жорий йилнинг тўққиз ойида туман бўйича жами 58 минг 965 тонна сабзавот етиштирилди. Картошка экилган майдонлардан эса, 35 минг 915 тонна ҳосил олинди. Ғаллакорлар уйган хирмон 36 минг 500 тоннадан ошиб кетди. Айниқса, бу йил олма, анор, олхўри ва олчазор боғлар шохларини ерга теккизиб мева тугди, ўзум, анжир мўл бўлди. Боғбонлар ўз боғларидан 35 минг тоннага етказиб ҳосил олишди. Биргина, «Ўзбекистон - 8» фермер хўжалиги боғбонлари бундан икки йилча бурун мавжуд 45 гектар дала майдонининг 15 гектарида (шундан 5 гектари интенсив) янги боғ барпо этган эдилар. Бу йилдан мазкур боғдаги олма, олхўри ниҳоллари нишона кўрсатди. Мазкур фермер шунинг ўзидан маҳаллий бозорларга 10 тоннадан ортиқ мева сотди. Худди шу каби 116 гек-

тарлик жами майдонининг 10 гектарида боғ яратган «Моҳинур-Самодил Бону» фермер хўжалиги ҳам 18 минг туп олма, шафтоли кўчатларидан бу йил илк дафъа баракали ҳосил олди.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 13 мартда эълон қилинган «2013-2015 йилларда республикада узумчиликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, тумандаги мавжуд 1812 гектар узумзорнинг деярли асосий қисми янгиланди, мавжудларининг қарови яхшиланди. Бу ҳол шу йилнинг ўзидеҳқончилик самара бериб, туман бўйича 27 минг тонна узум етиштириш имкониятини яратди. Олинган ҳосилнинг қарийб 60 фоизи хўраки навлар бўлиб, қолган қисми санаотбоп маҳсулотларни ташкил этди.

Янгиқўрғоннинг ҳатто сув етар-етмас адирларида ҳам




қовун-тарвуз мўл бўлади. Туманда полиз етиштирувчи миришкор, донгдор деҳқонлар жуда кўп.

Янгиқўрғонликларнинг яна бир яхши одати бор: ҳар хо-надон беш-ўнта қўй-эчки, бирикки сигир-бузоқсиз рўзгор тутмайд. Бугун туманда 50 мингдан зиёд қорамол парвариланмоқда. Утган 9 ой давомидида 7 минг 701 тонна гўшт, 41 минг 488 тонна сут ишла-

чиқарилган бўлса, қарийб 163 минг бош паррандадан 7 миллион 500 минг дона тухум олинди.

Тоғолдида жойлашган Янгиқўрғон туманида бошқа соҳалар ривожини ҳам кўнглидагидек. Дейлик, санаот ишлаб чиқариш ҳажми олдинги йилга нисбатан 124,2 фоизга ўсган бўлса, қишлоқ хўжалиги 108,8 фоизни, капитал қўйилмалар 139,8 фоизни, қурилиш ишла-

ри 118 фоизни, чакана савдо айланмаси 122 фоизни, пуллик хизматлар ҳажми 119,1 фоизни ташкил этди. Шу билан бир қаторда, туманда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўрни ва мавқеи йил сайин ошиб бормоқда. Соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш, ички бозорни рақобатбардош, сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратиш баробарида аҳоли даромадларини кўпайтириш ва турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётди. Хусусий секторнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш учун жорий йилнинг 9 ойи мобайнида кичик бизнес корхоналарига 9 миллиард 963 миллион сўм кредит маблағлари йўналтирилди. Утган 9 ойи мобайнида 556 та янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, уларнинг умумий сони




3308 тага етказилди. Натияжада кичик бизнеснинг улуши соҳалар бўйича салмоқли ўрин касб этди.

Тумандаги тадбиркор ва ишбилармонлар томонидан жаҳон андозаларига монанд ишлаб чиқилган маҳсулотлар 521,1 минг АҚШ долларга эк-

спорт қилиниши ҳукуматимиз томонидан маҳсулотларнинг ташқи бозорларга чиқарилиши янада рағбатлантириш бўйича қўрилаётган чора-тадбирларнинг амалий натижасидир.

Сайдолим АБДУРАҲМОНОВ, «Adolat» муҳбири



ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит

“Адолат” лойиҳаси

Сиёсат майдонида ўзининг мустақам ўрнини эгаллаш учун тинмай ҳаракат қилаётган Ўзбекистон “Адолат” СДП, энг аввало, ўз электорати манфаатларини ифодалаш мақсадида олдинга интиляпти. Электорат манфаатларини ифодалаш учун эса жойларда партия сайловолди дастурида белгиланган вазифаларни бажарилишига катта эътибор берилмоқда.

Партиянинг “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони” сайловолди дастури доирасида “Соғлиқни сақлаш — сифат ва фойдаланиш имкониятлари кафолатлари йўналишига” оид Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг “Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит” лойиҳасини амалга оширишга қаратилган дастурий мақсад — “Мақтаб ва мактабгача таълим муассасалари болаларини тиббий хизмат билан таъминлаш тизимини мустақамлаш” бўйича ишлаб чиқилган лойиҳа ҳам айни шу мақсадларга хизмат қилмоқда. Ушбу лойиҳа Бухоро вилоятининг Жондор ва Ромитан туманларида амалга оширилиши муносабати билан тузилган ишчи гуруҳи (раҳбари —

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати З.Ботирова) ва партиянинг Бухоро вилояти Кенгаши билан ҳамкорликда маълум турманларнинг соғлиқни сақлаш, халқ таълими бўлимлари, “Маҳалла” хайрия жамғармаси, “Соғлом авлод учун” Халқаро хайрия жамғармаси, “Қамолот” ЁИХ бўлимлари раҳбарлари ҳамда туман хотин-қизлар кўмитаси раислари ва партия депутатлик гуруҳи раисларидан иборат ишчи гуруҳи ташкил этилган. “Шаҳар ва қишлоқда бир хил шароит” лойиҳаси бўйича туман тасарруфидоги мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги тиббий пунктларнинг моддий (дори-дармон, тиббий жиҳозлар) таъминоти манбала-

ри ва тиббиёт кадрлари билан таъминланганлиги, таълим муассасалари тиббиёт пунктлари ҳамда тиббиёт муассасалари ўртасидаги ҳамкорлик, таълим муассасалари тиббиёт пунктлари фаолияти самарадорлигини ўрганиш, тиббий хизмат сифати ва ушбу фаолиятни назорат қилиш механизмига оид масалаларга катта эътибор берилган.

Куни кеча ишчи гуруҳ Жондор туманидаги бир нечта мактаб ва мактабгача тарбия масканларида бўлиб, болаларни тиббий хизматлар ва озиқ-овқат билан таъминлаш масалаларини ҳамда мавжуд муаммоларини ҳамда мавжуд муаммоларини ўрганиб чиқди. Шу билан бирга, бу масканлардаги тиббиёт хизматларининг аҳоли, уларнинг жиҳозлар билан таъминланганлиги, етказиб берилган дори-дармонларнинг сифати ва яроқлилиги муҳим аспекти бўлиб қолди. Жондор туман халқ таълимига қарашли 8-сон “Нилуфар”, 4-сон “Қалдирғоч”, 1, 2 ва 19-сон мактаблардаги тиббиёт пунктлари, улардаги кадрлар таъминоти, ўқувчилар саломатлигини кузатиб боришга оид ҳужжатлар,

шу билан бирга, муаммо ва камчиликлар ўрганиб чиқилди. Ўқув масканлари раҳбарларининг мактаб ва мактабгача таълим муассасаларидаги тиббиёт пунктларининг фаолиятини янада яхшилаш борасидаги тавсия ва таклифлари эътибор олинди.

— Партиянинг бепул тиббий хизмат кўрсатишни кафолатлайдиган қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, давлат соғлиқни сақлаш секторини мустақамлаш, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари доирасида болаларни тиббий хизматлар билан таъминлаш тизимини мустақамлаш борасида олиб бораётган ишлари таҳсинга сазовордир, — дейди Жондор туман халқ таълими ходими, ишчи гуруҳи аъзоси Илгия Файзуллаева. — “Адолат” СДП томонидан кўтарилган ушбу масала жуда долзарб. Агар ҳамкорликда иш олиб борсак, албатта, мавжуд камчиликларни бартараф эта оламиз.

Дилбар ҲАМДАМОВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Бухоро вилояти
Кенгаши раиси ўринбосари,
ишчи гуруҳи аъзоси



Аждодлар меросига эҳтиром — ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим омили

БПТ ташаббуси

Ўзининг бой тарихий мероси ҳамда бекор табиати туфайли бугунги кунда Самарқанд сайёҳлик шаҳрига айланиб, бу ерга ташриф буюрувчилар сони кундан-кунга ошиб бораётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Буни тўғри англаган ва Самарқанддаги ҳали кўпчиликка маълум бўлмаган тарихий обидалар ва қадамжоларни аниқлаб, жамоатчиликка маълум қилишни ўз олдидоғига мақсад қилиб олган Самарқанд Давлат музей-қўриқхонасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП бошланғич партия ташкилоти фаоллари бир қатор ташаббусларни илгари суришмоқда.

Хусусан, БПТ фаоллари вилоят Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорликда “Ўрғанамиз-асраймиз” шиори остида ўтказилаётган оммавий тадбирлар ҳам тарихимиз ва аждодларимизга, қолаверса, ёшлар орасида жамият манфаатларига путур етказадиган жоний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, бунинг учун эса уларнинг шуурини ҳар доим ва ҳар қаерда ҳуқуқий меъёrlарга итотли таъминловчи қадриятларга кучли ҳурмат билан бойитиш энг муҳим вазифалар сирасига кирди.

Раҳмонали ҚОСИМОВ,
“Adolat” муҳбири

ми, Самарқанд шаҳар партия кенгаши аъзоси Олмосхон Умаров. — Шунингдек, вилоятимиздаги 183 та архитектура ёдгорликларининг 19 таси республика аҳамиятига, 164 таси маҳаллий аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари, ҳудудимизда бугунги кунда 270 та монументал ёдгорликлар ҳамда 17 та мемориал лавҳалар ҳам мавжуд.

Вилоятимизнинг ушбу улкан тарихий-маданий салоҳиятини келиб чиқиб ташкил этаётган бу каби тадбирлардан кўзланган асосий мақсад туманларда мавжуд бўлган маданий мерос объектларининг аҳолини ўрганиш, улар ҳақида кўпроқ маълумотлар жамлаш ва шу орқали ёшларнинг ўзлари яшаётган ҳудуд тарихини ўрганишга бўлган қизиқишини ошириш ва ўқимчаларини бойитиш ҳамда очиқ осмон остида музей саналимиш қадимий ва навқирон Самарқандимиз нуфузини янада юксалтиришдан иборатдир.

Ҳаётимизнинг бундай тарихий-маданий қазини ва навқирон Самарқандимиз нуфузини янада юксалтиришдан иборатдир. Ҳаётимизнинг бундай тарихий-маданий қазини ва навқирон Самарқандимиз нуфузини янада юксалтиришдан иборатдир. Ҳаётимизнинг бундай тарихий-маданий қазини ва навқирон Самарқандимиз нуфузини янада юксалтиришдан иборатдир.

савобли иш, мақсадли тадбир ўзининг ижобий самарасини беради. Қолаверса, музей-қўриқхонамиз учун янгидан-янги маълумотларни кашф этишга хизмат қилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, “Адолат” СДП Самарқанд вилояти Кенгаши ва ҳудудий ташкилотлар қошидаги куйи бўғинлар аъзоларининг жойлардаги тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам иш самарасининг ошишига асос бўлмоқда.

Дарҳақиқат, Бош Қомусимизнинг 49-моддасида “Фуқаролар Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини асраб-авайлашга мажбурдирлар. Маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасидадир”, деб белгилаб қўйилганлигининг ўзиёқ ҳар бир фуқарони ўз ҳудуди тарихини ўрганиш ва унга эътибор қаратишга ундайди. Айниқса, соҳа ходимлари янада юксак маъсулият юклайди ва маданий меросимизни кўз қорачиқдек асрашга, ёшларнинг бу борадаги билимларини оширишга, уни омма орасида янада кенгроқ тарғиб қилишга чорлайди.

Зубайдулла ИБРАГИМОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Самарқанд вилояти Кенгаши
матбуот котиби

“Башорат”нинг дадил одимлари

Юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари аҳолининг турли қатламларига ижтимоий, иқтисодий, психологик қўлмак бериш, уларнинг турмуш даражасини янада юксалтириш ишига беқиёс ҳисса қўшиб келмоқдалар.

Хусусан, Фарғона туманининг Чимён қишлоғида кўниам топган “Башорат” ижтимоий адаптация маркази 2002 йилда Ўзбекистон “Адолат” СДП аъзоси Башоратхон Солиева томонидан ташкил этилган эди. Башорат опа ўз лойиҳалари билан Япониянинг грантини ютиб олган ва марказ фаолиятини йўлга қўйган эди. Ростини гап, дастлабки пайтларда янги ташкилотнинг мақсад ва вазифалари моҳиятини кўплар тушуниб етмади. Аммо жамоа ҳужаликлари тугатилётган пайтда бир эмас, иккита болалар боғчаси сақлаб қолиниб, замонавий асосда қайта йўлга қўйилганда кейин “Башорат” ҳақидаги шов-шувлар бутун туманга ёйилди.

мукаммал таъмирлаш асносида марказнинг тикувчилик ва компьютер хоналари жиҳозланди. Бундан ташқари, Чимён ҚФЙ ҳудудига тоза ичимлик суви чиқарилиб, сой тепасига табиий газ қувурлари тортилди. Шу билан биргаликда, ижтимоий химояга эҳтиёжманд оилаларда тарбияланаётган болаларга инглиз тилини ўргатадиган, турли пиширилган таёёрлаш ва тикувчиликдан бепул сабоқ берадиган курслар ташкил этилди.

Чимён юртимизнинг энг чека ва чегара ҳудуди эмасми, “Оила ҳамшираси” йўналишидаги курснинг ташкил этилиши қишлоқ аёллари томонидан қизғин оқшувлариди. Шу баҳона чимёнлик хотин-қизларнинг кўпчилиги ана шу курсга катнаб, беморга биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш, ҳар хил ҳодисалар пайтида жароҳатланган ёхуд захарланган туфайли таҳликали вазиятга ту-

шиб қолганларга ёрдам кўрсата олиш малакасини қўлга киритдилар.

Бу йил тадбиркор аёл навбатдаги — “Мақтаб ва боғча ёшидаги болалар ҳамда уларнинг оналари ҳуқуқий билимини ошириш” мавзусидаги лойиҳаси билан яна бир грантни ютиб олди.

Елғиз хотиннинг чанги чикмас, чанги чикмас ҳам донги чикмас, — дейди опа биз билан суҳбатда. — Шаҳсан мен ўзимнинг эл-юрт фаровонлиги ва равнақи йўлидаги режаларимни рўйбга чиқаришда “Адолат” СДП вилоят Кенгаши раисининг ўринбосари Собиржон Ҳамидовнинг ҳамкорлигига таянман.

У меннинг ҳамқишлоғим, узок йиллар мобайнида суд-ҳуқуқ тизимида ишлаб истеъфого чиққан. Шундай эсада уйда дам олишни ўзига эп кўрмай, партиямиз сафида туриб, юртдошларимизнинг ҳуқуқий саводчилигини юксалтиришга кўп ва ҳўп ҳисса қўшиб кел-япти.

Бугунги кунда “Башорат” ижтимоий адаптация маркази ва “Адолат” СДП вилоят Кенгаши, Фарғона тумани ҳокимлиги, туман хотин-қизлар кўмитаси, туман халқ таълими ва соғлиқни

сақлаш бўлимлари билан ўзаро ижтимоий шерикчилик асосида маълум бўлмаган тарихий обидалар ва қадамжоларни аниқлаб чиқиб, унга мувофиқ турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Булардан кўзланган мақсад болалар ва оналарнинг ҳуқуқий тафаккурини кенгайтириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини юксалтириш, инновацион ғояларни рағбатлантириш, айни пайтда кенг аҳоли қатлами орасида ҳуқуқий-маърифий тарғиботи янада фаоллаштириш ва бунга кенг жамоатчиликни жалб қилишдан иборатдир.

— Менинг нўқтани назарим ҳам шунга Ҳамидов, — дейди Собиржон Ҳамидов. — Бинобарин, бугунги глобал замонда аёллар ва ёшлар орасида жамият манфаатларига путур етказадиган жоний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, бунинг учун эса уларнинг шуурини ҳар доим ва ҳар қаерда ҳуқуқий меъёrlарга итотли таъминловчи қадриятларга кучли ҳурмат билан бойитиш энг муҳим вазифалар сирасига кирди.

Партия сафи кенгайиб, фаоллик ва иш кўлами ортмоқда

Пленум

Қашқадарё вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мажлислар залида Ўзбекистон “Адолат” СДП вилоят Кенгашининг кенгайтирилган X Пленуми бўлиб ўтди. Анжуманда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, шаҳар, туман кенгашлари раислари, маҳаллий Кенгаш депутатлари иштирок этди.

Пленумда кун тартибидоги “Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясининг “Адолат — ҳаётимизнинг бош мезони” сайловолди дастуридаги асосий йўналишларни амалга оширишда партия фаолиятини янада жадаллаштиришнинг долзарб вазифалари тўғрисида”ги масала юзасидан партия вилоят Кенгаши раиси Абдуқаҳҳор Аҳмедов маърузаси ҳам тинг-ланди.

— Кейинги пайтда вилоятдаги партия ташкилотлари томонидан ўтказилган ташкилий тарғибот тадбирлар кўлами ва

уларнинг самарадорлиги ошганини рақамлардан ҳам билса бўлади. Хусусан, жойларда уюштирилаётган турли мавзулардаги тадбирлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга, иштирокчилар сони эса 50 фоизга ўсди. Жорий йилнинг 1 ноябрга қадар партия аъзолари сони 7 минг нафардан ошди. Эътиборли жиҳати шундаки, бу партиявий ташкилий ишларнинг каттаги-учун жорий йилнинг июль ойида партия Қашқадарё вилоят Кенгашининг Ҳаракатдаги Пленуми бошланган эди. Унда таъриб тарихида партия ташкилотлари салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда келажакда улар томонидан қабул қилинаётган меъёрий



лотларининг фаол иштирокини таъминлаш юзасидан бир қатор ҳаётбахш қарорлар қабул қилинган. Ушбу қарор ва кўрсатмалар ижросини таъминлаш учун жорий йилнинг июль ойида партия Қашқадарё вилоят Кенгашининг Ҳаракатдаги Пленуми бошланган эди. Унда таъриб тарихида партия ташкилотлари салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш ҳамда келажакда улар томонидан қабул қилинаётган меъёрий

ҳужжатларни асослаш ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий йўналишлар бўйича экспертлар гуруҳи тузилди. Утган қисқа давр мобайнида жойларда партиявий ишга янги усул ва услубларни жорий этиш, аҳоли орасида чуқур ва мустақам илдиш этиш, мамлакатимиз ижтимоий, сиёсий ҳаётда партиянинг ролини кучайтириш мақсадида экспертлар гуруҳи томонидан турли йўна-

лишлар бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Янгиланган жамиятда партия мафқураси ет партиявий позицияни мустақамлаш, бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш, қонунлар ижроси, ижро органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини ўрнатиш, тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликни кенгайтиришга эришилди. Ўзни

ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликни янада кучайтириш, шу кунларда давом этаётган сайловларга оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни кенг халқ оmmasига тушунтириш мақсадида партия фаоллари саъй-ҳаракати билан маҳалларда 50 дан ортиқ учрашувлар уюштирилди. Ёшлар, хотин-қизлар ташкилотлари билан алоқалар мустақамланди.

Ҳаракатдаги Пленум қарорлари асосида оммавий-сиёсий тадбирлар гуруҳ аъзолари ташкилотчилиги туфайли юқори савияда уюштирилмоқда. Айниқса, дастур асосида Қарши шаҳрида ташкил этилган “Сиёсий ўзгаришлар: инсон манфаатлари — энг олий қадрият”, Муборакда “Иқтисодийнинг ривожлантириш сари”, Нишон тумани ҳудудидаги қорхона-ташкilotларда “Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий адолат тамойилларини амалга ошириш”, Чирокчида “Фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш — давр талаби” мавзусида ташкил этилган йирик учрашувлар, давра суҳбати ва эркин мулоқотлар иш-тироқчиларда катта таассурот қолдириши билан бирга, уларнинг партияга бўлган ишончини ҳам оширди. Умуман, кўз-

ланган мақсадларга эришишда мана шундай тадбирлар яхши самара берапти.

Пленумда Ҳаракатдаги Пленум қарорлари асосида аниқ тадбирлар режаси ишлаб чиқилиб, мавжуд имкониятдан самарали фойдаланилаётгани алоҳида қайд этилди.

Пленумда маҳаллий Кенгаш депутати Муниса Суюнованинг “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашда вилоят партия ташкилоти иштироки тўғрисида”, партия вилоят Кенгаши раиси биринчи ўринбосари Рўйиддин Рауповнинг “Бошланғич партия ташкилотлари ҳамда шаҳар, туман партия ташкилотлари Пленумларида Ўзбекистон “Адолат” СДП Уставининг янги таҳрири юзасидан тушган таклифлар ҳақида”ги маърузалари баҳс-мунозараларга сабаб бўлди.

Анжуман якунида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Комил САХАТОВ,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Қашқадарё вилояти
Кенгаши матбуот котиби

Ҳуқуқ

Кимга, қачон, қай тарзда мурожаат этиш мумкин?

“Адолат” шарҳи

Биз кучли демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишни ўз олдимишга мақсад қилиб қўйган эканмиш, бунда аввало фуқароларимизнинг Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқароларимиз қонун ҳужжатларидан хабардор бўлиши, уларда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиб давлат бошқарув органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга мурожаат қилиши, шу билан биргалликда, ўзлари ҳам Конституция ва қонун ҳужжатларига риоя этиши ҳамда бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига зарар етказмаслиги лозим.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг фуқароларнинг мурожаатларини тартибга солувчи қонунчилик базасини янада такомиллаштириш мақсадида “Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинди.

Ушбу қонунда фуқароларнинг мурожаат этиш ҳуқуқлари кафолатлари, фуқароларнинг аризалар, тақлифлар ва шикоятлар бериш тартиби ҳамда уларни кўриб чиқиш тартиби, мурожаатларни кўриб чиқишда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва давлат органларининг мажбуриятлари, фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари алоҳида белгилаб берилди.

Қонунчиликка кўра, фуқароларнинг аризалар, тақлифлар ва шикоятлар бериш ҳамда уларни кўриб чиқиш тартиби белгиланган бўлиб, унга биноан фуқароларнинг ариза, тақлиф ва шикоятлари уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирадиган давлат органига бевоқифа ёки бўйсинув тартибда юқори турувчи органга берилди.

Фуқаро ариза, тақлиф ва шикоятини шахсан беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вақилига беришга ёки мурожаатни почта хизматлари орқали юборишга ҳақли. Ўзгаришлар ҳамда муомалага лаёқатсиз шахслар манфаатларини кўзлаб ариза, тақлиф ва шикоят уларнинг вакиллари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органининг ўзи ёки зиммасига кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилди.

Фуқароларнинг мурожаатла-

ри, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилди ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

Шу боис фуқаролар мурожаатларининг тезроқ кўриб чиқилиши учун илоҳи борича қаерга ва кимга мурожаат этиши лозимлигини аниқлаб олиши муҳим аҳамият касб этади.

Масалан, кўпинча фуқаролар суд қарорларидан норози бўлиб мурожаат қилишади. Ҳўш, бундай ҳолда фуқаролар қандай йўл тутуши керак?


Фуқаролик ишлари ҳақида тўхталадиган бўлсак, суд қарорлари устидан шикоят бериш ва уларни қайта кўриш тартиби Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 3-бўлимида тўлиқ келтириб ўтилган.

Жумаладан, ишда иштирок этувчи шахслар суднинг қарори қонуний, асосли ва адолатли эканлигини текшириш ҳақидаги шикоят (ариза) билан қонунда белгиланган тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Прокурор суднинг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори устидан ўз ваколати доирасида протест келтиради.

Суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан йигирма кун ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришлари, прокурор протест келтириши мумкин. Кўрсатилган муддат ўтганидан кейин берилган шикоят (протест) кўрилмадан қолдирилади ва шикоят (протест) берган шахсга қайтарилади.

Ўтказиб юборилган муддатни тиклаш тўғрисидаги ариза процессуал ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим бўлган судга берилди ва ишда иштирок этувчи шахслар хабардор қилинган ҳолда суд мажлисида кўриб чиқилди. Бироқ бу шахсларнинг келмаслиги суд олдига қўйилган



масалани ҳал этишга тўқинлик қилмайди.

Ўтказиб юборилган процессуал муддатни тиклаш тўғрисида ариза бериш билан бир вақтда, муддати ўтказиб юборилган ҳаракат бажарилиши ёки ҳужжат топширилиши лозим.

Кўпинча фуқаролар суд қарорларидан норози бўлиб шикоятларни юқори турувчи судларга юборадилар. Ваҳоланки, апелляция шикоятлари ва протестлари апелляция инстанцияси номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилди.

Апелляция шикояти ёки протести судда ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдорда нусхалари билан берилди.

Қонуний қўчга кирган, апелляция тартибда кўрилмаган ҳал қилув қарорлари устидан суднинг ҳал қилув қарори чиққан кундан эътиборан бир йил ичида тарафлар ва ишда иштирок этишга жалб қилинган шахслар томонидан кассация шикояти берилиши ва прокурор томонидан протест келтирилиши мумкин.

Кассация шикоятлари ва протестлари кассация инстанцияси суди номига ёзилади, лекин ҳал қилув қарори чиқарган судга берилди.

Кассация шикояти ёки протести ишда иштирок этувчи шахсларнинг сонига мутаносиб миқдордаги нусхалари билан судга берилди.

Жиноят ишлари бўйича тўхталадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига кўра, маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний қўчга кирмаган ҳукми устидан шикоят бериш, прокурор ва унинг ўринбосари эса, протест билдириш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикоятлари ва протестлари ҳукм чиқарган суд орқали берилди.

Биринчи инстанция судининг ҳукми устидан апелляция

шикоятлари ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг нусхаси топширилган кундан эътиборан шундай муддат ичида берилиши мумкин.

Ҳукм устидан шикоят бериш учун белгиланган муддат ичида иш суддан талаб қилиб олинishi мумкин эмас. Тарафлар шун вақт мобайнида иш билан суд биносига танишишга ҳақлидир.

Белгиланган муддатдан кейин берилган шикоят ёки протест оқибатсиз қолдирилади, бу ҳақда уларни берган шахсларга хабар қилинади.

Ҳукм устидан шикоят бериш ёки протест билдириш муддати узрли сабабларга кўра ўтказиб юборилган ҳолларда апелляция шикояти ёки протести бериш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ҳукм чиқарган судга муддатни тиклаш сўралган илтимоснома билан мурожаат қилишлари мумкин.

Маҳкум, унинг ҳимоячиси, қонуний вакили, шунингдек, жабрланувчи, унинг вакили суднинг қонуний қўчга кирган ҳукми ва ажрими устидан, агар иш апелляция тартибда кўрилган бўлмаса, кассация тартибда шикоят беришга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори, унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори, вилоятлар ва Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларга тенглаштирилган прокурорлар қонуний қўчга кирган ҳукм ва ажрим (қарор) устидан, агар иш апелляция тартибда кўрилган бўлмаса, кассация тартибда протест билдиришга ҳақлидир.

Шикоят ёки протестда оғирроқ жиноятга доир қонун моддаларини қўллаш зарурлиги, жазони қўчатириш ёки маҳкумининг аҳолини оғирлаштирадиган бошқа ўзгаришлар назарда тутилган бўлса, суднинг айблов ҳукмини ёки ажрими (қарорини), шунингдек, суд-

нинг оқлов ҳукмини ёхуд ишни тугатиш тўғрисидаги ажрими (қарорини) кассация тартибда қайта кўриб чиқишга улар қонуний қўчга кирганидан кейин бир йил мобайнидагина йўл қўйилади.

Ҳулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, фуқароларимиз суд қарорлари устидан шикоят қилишда фуқаролик ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси, жиноят ишлари бўйича эса Жиноят процессуал кодекси талабларидан келиб чиқиб белгиланган тартибда суднинг юқори турувчи инстанцияларига мурожаат қилишса, мурожаатлари тез ва қонуний ечим топган бўлар эди.

Шунингдек, кўпинча фуқаролардан турли идораларга жиноят ҳақида хабарлар ҳам келиб тушади. Ваҳоланки, ушбу турдаги мурожаатларни кўриб чиқиш ваколати айрим ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларига берилган бўлиб, бундай мурожаатларни ваколат доирасига кирмайдиган идораларга юбориш, биринчидан, жиноятларнинг ўз вақтида қош этилишини қийинлаштирса, бошқа тарафдан эса мурожаатларнинг сунъий ошиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодексига шахсларнинг аризалари, қорхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслар берган хабарлар жиноят ишини кўзгатиш учун сабаб бўлиши қўрсатилган.

Ушбу кодексга кўра, жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотлар рўйхатга олинishi ва дарҳол, жиноят ишини кўзгатиш учун асослар етарли эканлигини бевоқифа ёхуд суриштирув органлари ёрдамида текшириш зарурати бўлган тақдирда эса, ўн суткадан кечиктирмасдан ҳал қилиниши лозим.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор ўз ваколатлари доирасида жиноят содир этилганлиги тўғрисида сабаб ва етарли асослар мавжуд бўлган барча ҳолларда жиноят ишини кўзгатиши шарт.

Дастлабки терговчи прокуратура, ички ишлар органлари ва миллий хавфсизлик хизмати терговчилари олиб борди.

Қайд этилганларга кўра, фуқаролар жиноят ҳақидаги хабарларни Ўзбекистон Республикасининг Жиноят процессуал кодекси талабларидан келиб чиқиб, ушбу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга йўллашса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Дилшод ҲАКИМОВ,
Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси бош маслаҳатчиси

Савол беринг, жавоб берамиз! Шартнома шартлари

Томонлар ўртасида тузилган шартномаларни ўзгартириш ёки бекор қилиш учун нима-лар асос бўлади?

Узоқбой Фармонов,
Куйи Чирчиқ тумани

Фуқаролик кодексига кўра, бошқа қонунларда ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, шартнома тарафларнинг келишувига мувофиқ ўзгартирилиши ва бекор қилиниши мумкин.

Тарафлардан бирининг талаби билан шартнома суд томонидан фақат қуйидаги ҳолларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкин:

- иккинчи тараф шартномани жиддий равишда бузса;
- Фуқаролик кодекси, бошқа қонунлар ва шартномада назарда тутилган ўзга ҳолларда.

Бир тараф шартномани бажаришдан тўла ёки қисман бош тортиб, қонун ёхуд тарафларнинг келишувига бунга йўл қўйилса, шартнома тегишлича бекор қилинган ёки ўзгартирилган ҳисобланади.

Саволга Қибрай тумани ДНИ нотариуси **Анвар МУБОРАКОВ** жавоб берди.

Шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик ҳолати бўйича қандай жавобгарлик белгиланган?

Ҳайдарали Сафаров,
Тошкент вилояти

Амалдаги қонунларимизда шартномавий мажбуриятларни бажармаганлик учун жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, шу билан биргалликда, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги қонун, Президентимизнинг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий вочорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини қўчатириш тўғрисида”ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги “Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ва мажбуриятлар бажарилиши учун томонларнинг жавобгарлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва бошқа норматив ҳужжатлар билан белгиланган.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг контракция шартномасида белгиланган ассортимент ва турларга, муддатларда топширишдан асоссиз бўйин товланган хўжалик тайёрловчи топширилмаган маҳсулот қийматининг 25 фоизи миқдоридан жазима тўлайд. Бундан ташқари, зарарнинг маҳсулот етказиб берилмаганлиги туфайли юзага келган, жарима билан қопланмаган қисми ҳам тўланади.

Айни шу санкциялар хўжалиқдан маҳсулотни қабул қилмаганлиги учун тайёрлов ташкилотларига, моддий-техника ресурслари етказиб бериш ва хизматлар кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун хизмат кўрсатувчи ташкилотларга ҳам қўлланилади.

Контракция шартномасига мувофиқ, топширилган (юқлаб жўнатилган) қишлоқ хўжалиги маҳсулотини учун ҳақ тўлашдан асоссиз бош тортилганда тайёрлов ташкилоти хўжалиққа тўланмаган суммани, ўзи тўлашдан бош тортган сумманинг 15 фоизи миқдоридан жазима тўлайд. Тайёрлов ташкилоти жаримадан ташқари хўжалиққа муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун белгиланган муддатда тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдоридан, бироқ муддати ўтказиб юборилган суммаларнинг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган пеня тўлайд.

Саволга Чирчиқ шаҳар ДНИ нотариуси **Бахтиёр РАҲМОНОВ,**
Ангрен шаҳар ДНИ нотариуси **Абдурашид ИСАКЖАНОВ** жавоб беришди.

Текин луқма тиш синдираар

Адолат тарозиси

Бугун банклар орқали ажратилаётган кредитлар қанчалик хайрли ишларга пойдевор бўлмоқда. Бу маблағлар вазига кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривож топиб, янги иш ўринлари яратилаёпти. Берилган имкониятдан унумли фойдаланаётганлар турмуш фаровонлиги, жамият раванқига катта ҳисса қўшмоқдалар. Аммо имкониятларни шахсий манфаати йўлига бўриб, текин даромад илинжида жиноятга қўл урадиганлар ҳам учраб турибди. Аниқроғи, айримлар ўз вазифасини суиистеъмол қилиб, тадбиркорни сарсон қилишга боришаёпти.

“Eksklyuziv Diyor Biznes” хусусий қорхонаси раҳбари Р.Ашуров савдо фаолиятини ривожлантириш учун олти йил миллион сўм миқдорда кредит олишни режалаштириб, бир неча банкка мурожаат қилиб кўрди. Унга маъқул кел-

гани “Савдогар” ОАТБнинг Навоий вилоят филиали бўлди. Бир танишининг маслаҳати билан ушбу муассасанинг ички назорат бўйича бошқарувчиси ўринбосари лавозимида ишлаб келаётган Умаржон Фозиловга (исм-

фамилияси ўзгартирилди) учрашди. Икки ўртада келишув “имзоланди”.

— Ҳаммаси тайёр, ака, фақат бу ёғига озгина қўллаб юборасиз, — деди тадбиркор ва ҳужжатлар билан бирга 800 АҚШ долларини унга узатди. — Қолган икки юзини кредитни олгач бераман...

У.Фозиловнинг чехраси ёришди. Унинг хаёлидан “бундай имкониятни кўлдан чиқариш аҳмоқнинг иши”, деган фикр ўтган бўлса, ажабмас шу тобда.

— Яхши, келишилган вақтда пулни чиқаришга ҳаракат қиламиз...

Аммо кредитдан ҳа деганда дарак бўлавермади. Р.Ашуров банк билан яна учрашди:

— Ака, биз келишган кундан анча ўтиб кетди, пулни қачон оламан?


— Бироз шошмай турасиз энди, оз қолди.

— Ҳисоблаб кўрсам, менга етмиш миллион сўм керак бўлаёпти, шунча вақтдан бери овора бўлиб юрганамга яраша яна қўшиб беролмайсизми? — сўради тадбиркор.

— Сиз қўйган гаров катта суммага баҳоланган, шундай қилсак бўлади, фақат бунинг учун яна беш юз “кўк”идан керак, — жавоб берди банкир.

Куттишдан чарчаган Р.Ашуров энди “шапка”нинг “ставкаси” ошганидан хуноб бўлди ва тегишли жойга арз қилди. Шундай қилиб, У.Фозилов Р.Ашуровдан 500 АҚШ долларини олаётганида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан ушланди.

Текин луқма тиш синдираар, деганлари шу бўлса керак-да. Мулкий наф қўраман, деб яхши лавозим, обрў-этиборнинг бошига сув қўйган У.Фозиловнинг борар манзили суд идораси бўлди. Жиноят иш-



қўзини қандай боғлаганини билмай қоларкансан. Пешона бориб деворга текканда эса афсус-надоматдан фойда бўлармикан?!

Хуллас, суд ҳукмига кўра, У.Фозилов Ўзбекистон Республикаси ЖК 210-моддаси 3-қисми “б” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланиб, 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Ҳар бир қонуннинг икки таянчи бўлади, деган экан бир донишманд. Бирини жазо, иккинчиси муқофотдир. Демак, ўзини жазодан асрай билган инсон бир кун муқофотга эришади. Ҳаёт йўлларимизда бу бизга шиор бўлиши даркор.

Шавкат Жўрабеков,
Навоий вилоят прокуратураси катта терговчиси,
Ҳолида Файзиёва,
журналист

Аср вабоси

1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши кураш куни

Инсоннинг энг катта бойлиги бу — унинг ҳаёти. Ҳаётда энг муҳими саломатлик. Инсон саломатлиги эса ирсиятга, атроф-муҳитдаги ўзгаришлар ва соғлом турмуш тарзига боғлиқ.

Энг хавфли касаллик — билимсизлик, деб бежиз айтилмаган. Зеро, тиббиёт илмининг асосчиларидан бири Гиппократнинг айтишича, "Доимо ишчанлик кайфиятида, соғсаломат бўлиб, тўлақонли ва бахтли турмуш кечиришни истаган ҳар бир инсон кун тартибидан гимнастика, жисмоний машқлар ва яёв юриш каби ҳаракатлар ўрин олиши лозим".

Ақинча алкоголь ва тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш, бетартиб ва ҳаддан ташқари кўп таом истеъмол қилиш, кам ҳаракатлилик, бирон-бир касалликдан нотўғри даволаниш инсон организмидagi касалликка қарши курашиш билан "шуғулланувчи" иммунитетнинг "қучи"ни камайтириб қўяди.

Инсон иммунитетига энг жиддий зарба етказадиган вируслардан бири Одам Иммуниетет танқислиги вируси (ОИВ) деб аталиб, у қондаги лимфоцитларни емирадиган вирусдир. Лимфоцитлар эса организмга ёт бўлган касаллик кўзгатувчи микроорганизм (бактерия, вирус, замбуруғ)ларни аниқлаб, уларни парчалаб ташлаш, зарарсизлантириш вазифини бажаради.

Вируснинг мавжудлиги қонда лимфоцитларнинг камайиши, химоя тизимининг кучсизланиб боришига олиб келади. ОИВнинг юқиши ОИТС касаллигининг бошланиши дегани эмас. Вирус организмга тушгандан кейин 5-10 йил яширин яшаш мумкин. Бу давр давомида касаллик белгилари юзага чиқмаслиги одам ўзини соғлом ҳис қилиши мумкин. Касаллиқнинг яширин даври атрофдаги унч хавфли бўлиб, одам билиб-билмай вирусни бошқаларга юктириши мумкин.

ОИТС — Орттирилган Иммуни Танқислиги Синдрому — ОИВ-инфекциясининг касалликлар ривожланидиган сўнгги даври ҳисобланади. Химоя тизимининг кучсизланиб бориши, турли хил юқумли касалликларга чалиниш хавфини оширади. Масалан, соғлом одамларга қараганда, ОИВ юққанларда ўпка силининг ривожланиш хавфи юқорироқ бўлади. Шундай микроорганизмлар мавжудки, улар соғлом одам учун ҳеч қандай хавф тугдирмайди. ОИВ юққанда эса, ҳаттоки бу микроорганизмлар ҳам касалликларни юзага келтириши мумкин. Пневмоцистис зотилжам, Капоши саркомаси (терининг ўсма касаллиги) каби кам учрайдиган касалликлар шулар


жумласига қиради. Бу касалликлар охир оқибат ўлимга олиб келади.

Аср вабоси дея ном олган ОИТС касаллиги илк бор 1981 йилда Америкада чоп этилган "Касалликлар ва ўлим даражаси ҳақида ҳафталик маълумотлар" нашрида тилга олинган. Дастлаб унинг келиб чиқиш сабаблари ва тарқалиши ҳақида турлича нуктаи назарлар мавжуд эди. Айрим олимлар вирус маймундан тарқатган деб ҳисоблар эди. Сабаби Африкадаги маймунларни текшириб кўришганида уларнинг қон хужайраларида ҳам ОИВга ўхшаш вирус учрагани аниқланган. Бироқ ўз-ўзидан савол турган: вирус маймундан инсонга қайси йўл билан ўтган? Унга ҳам жавоб топишган. Аниқлашларича, Марказий Африканинг айрим қабилаларидаги инсонлар маймунларни тутиб, ҳатто хомлигича тановул қилишган.

Яна бир гуруҳ олимлар ядровий қуролларни синая кўришган пайтда ер шарининг экватор қисмида радиация моддасининг кескин охиб кетиши учун вирусни кўзгатувчи юборгани ҳақида таҳмин қилишган.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан берилган маълумотларга қараганда, 2012 йилнинг охирига қадар дунёда 35,3 миллион одам ОИТС касаллигига дучор бўлган.

Дунёда ОИТСга олиб борувчи иммунитет тақчиллиги вирусига йўлқонларнинг 60 фоизини 15 дан 24 ёшгача бўлганлар, 10 фоизини эса 15 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. Аниқланишича, ОИТС Африкада жуда кенг тарқалган. Хусусан, статистик маълумотларга қараганда, ОИВ инфекцияси эканлигини аниқладди. Бироқ си тарқалганларнинг 68 фоизи Африка қитъасига тўғри келади. Қолаверса, дунёда ОИВга учраган болаларнинг 92 фоизи айнан ушбу қитъада истиқомат қилади. Айниқса, Эфиопия, Нигерия, Замбия, Зимбабве ва ЖАР давлатларидаги кўрсаткичлар кишида ташвиш ўйот-



май қолмайди. Хавфли ҳудудлар сирасига Доминикана, Ямайка ва Гаитилар ҳам қиради. Ушбу касалликка чалинганлар аҳоли сони жиҳатидан етакчи ўринларга эга Шарқ мамлакатлари — Ҳиндистон ва Хитойда ҳам етарли.

Умуман олганда, ОИТС бугун ер ўзининг ҳамма бурча-гига тарқалиб бўлди. Дунёни ларзага келтирган касаллиқнинг хавфлилик ва юқумлилиқ даражаси охиб бориши дунё ҳамжамиятини унга қарши ҳамкорликда курашишга ундади. 1988 йили Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти дунёнинг қатор мамлакатлари соғлиқни сақлаш вазирларини Буюк Британияга тўлади ва шу йилдан эътиборан "1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши курашиш куни" деб эълон қилинди.

Шундан сўнг турли давлатларда ОИТСга қарши курашишга оид чора-тадбирларнинг ўз ичига олган қонунлар қабул қилина бошланди. 1996 йилда ЖСТнинг ОИТС бўйича Глобал дастурини амалга оширувчи алоҳида ҳужжат янги номда юрита бошланди, яъни у энди БМТнинг ОИТСга қарши Бирлашган дастури (UNAIDS) деб аталди ва уни амалга ошириш ЖСТ, ЮНЕСКО, ЮНЕСКО, БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси, Тараққиёт жамғармаси ҳамда Жаҳон банки сингари ташкилотлар зиммасига юклатилди. Айнан шу йили Канаданинг Ванкувер штатида ўтказилган "ОИТС масаласига оид XI Халқаро конференцияси"да янги авлод дори воситаси тақдими бўлиб ўтди. Ушбу восита "протеаз ингибитори" деб аталади, унинг кашфиётичи америкалик Девид Хо "Тайм" журнали томонидан "Йил инсон" сифатида эълон қилинди. Олим герпес вируси Капоши саркомасининг кўзгатувчи эканлигини аниқладди. Бироқ кўп ўтмай, янги дори кутилган натижани бермаслиги исботланди.

Дунёда ОИТСнинг олдини олиш ва унга қарши курашишга иختисослаштирилган тижорат ташкилотлари сони ҳам ортиб борди. 1997 йил ушбу ташкилотлар фаолиятини мувофиқ-

лаштирувчи биринчи халқаро ташкилот — ОИВ/ОИТСга оид маслаҳат Глобал маркази ташкил топди. Айни пайтда UNAIDS ташаббус билан чиқиб, ривожланиётган мамлакатларга дори воситаларининг таъминотини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошира бошлади.

Бироқ 2003 йил ОИТСга қарши курашиш ишлари билан шуғулланувчи аксарият ташкилотларнинг, бутун ҳамжамиятнинг ҳафсаласи пир бўлди. Гап шундаки, клиник текширувларнинг деярли барча босқичдан муваффақиятли ўтган, ОИВни олдини олишга йўналтирилган AIDSVAХ номли вакцина кутилган самарани бермади. Аммо шунда ҳам умид учкунлари сўнмади ва олимлар, кенг жамоатчилик вируснинг кўпайиши ва етилишини тўхтатиб турувчи дориларни ихтиро қилишда давом этишмоқда.

Республикада ОИТС ва ОИВ инфекциясининг тарқалиб кетишига қарши курашиш мақсадида Президентимизнинг 2008 йил 26 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасида ОИВ касаллигининг тарқалишига қарши курашишнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори, 2009 йил 5 январда Вазирлар Маҳкамасининг "ОИТСга қарши кураш марказларининг ташкилий тузилмасини ва фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинган. Мазкур қарорда ОИВга қарши курашнинг ягона тизимини ташкил қилиш, ОИВ инфекциясининг олдини олиш ва бу касалликдан химоя қилиш юзасидан ўтказилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигини ва сифатини ошириш, ОИТСга қарши кураш марказларининг моддий-техника базасини яхшилаш, бу борада фаолият кўрсатаётган тиббиёт ходимларини моддий рағбатлантириш ташкилоти ташкил қилиниши таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Яқинда қабул қилинган «Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқариладиган касаллик (ОИВ инфекцияси) тарқалишига қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикаси Қонуни ҳам ОИВ инфекцияси тарқалишига қарши курашнинг ҳуқуқий асосларини янада кенгайтди.

Ушбу ҳуқуқий ҳужжат ОИВ инфекцияси тарқалишининг олдини олиш, ташхис қўйиш, касалликни юктириб олганларнинг махсус даволаниши ҳамда уларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, инфекция тарқалиши устидан эпидемиологик назоратни амалга ошириш, шунингдек, аҳолининг белуш, хавфсиз ва махфий тиббий текширувдан ўтишига шароит яратиш, ОИВни юктириб олганларнинг ҳаётини ўзгайтириш ва исуфлатини яхшилаш, хасталик оқибатида содир бўладиган ўлим ҳолатларини камайтириш каби вазибаларни қамраб олади.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатда илк мартаба фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ўрни белгиланган. Шубҳасиз, уларнинг аҳоли ўртасида мазкур хавфли хасталиқнинг тарқалишига қарши курашиш бўйича тушунириш-тарғибот ишларини олиб боришлари муҳим аҳамият касб этади. Ушбу хасталиқнинг олдини олиш усуллари, унинг келиб чиқиш омилларидан оқоқ бўлиш, шубҳасиз, ижобий натижаларга олиб келади.

Шунингдек, ОИВ инфекциясининг тарқалиши ва касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, унга тўғри ташхис қўйиш, уни даволаш чора-тадбирларини олиб бориш, вируснинг тез тарқалиши омилларини таҳлил этиш бўйича махсус эпидемиологик кузатувларни ташкил этиш, касалликка чалинган шахсларга юқори малакали шифокорлар томонидан мунтазам тиббий назоратни ташкил этиш ва уларнинг ишга лаёқатлилигини сақлаб қолиш мақсадида Республика Спидга қарши кураш Маркази ва унинг 14 та худудий филиаллари фаолият юритмоқда.

Қолаверса, ҳар йили "1 декабрь — Халқаро ОИТСга қарши курашиш куни" доирасида мамлакатимизнинг турли ташкилот ва муассасаларида, таълим даргоҳларида "Эҳтиёт бўлинг, ОИТС" "Биз ОИТСга қарши курашамиз", "Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз" сингари мавзуларда давра суҳбатлари, илмий-амалий анжуманлар ўтказилиши одат тусига айланган.

Ҳаёт инсонга бир марта берилади. Уни гўзал ва мазмунли ўтказиш ҳар кимнинг ўз кўлида. Саломатликка эътиборсиз бўлмасдан, ОИТС балосидан оиламизни, жамиятимизни муҳофаза қилайлик. Бу ҳар бир юрtdошимиз зиммасидаги инсонийлик бурчидир.

Саодат СОДИҚОВА, "Adolat" мухбири

Бағрикенгликка даъват

БМТ Бош Ассамблеяси яқинлашиб келаётган 2014 йилни "Фаластинликларга нисбатан бағрикенглик Халқаро йили" деб эълон қилди.



Тегишли резолюция ташкилотга аъзо мамлакатларнинг аксарияти томонидан маъқуллангандан сўнг қабул қилинган.

Бош Ассамблея сессиясида Фаластин мухторияти раҳбари Маҳмуд Аббос сўзга чиқди. — Биз доимо БМТнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлишга интиланамиз, хозир ҳам ўз мақсадиимизга эришиш йўлида-миз. Зеро, аъзоликка халқимизнинг қонуний ҳаққи бор, — деди у.

Айни пайтда Фаластин мухторияти Исроил ҳукумати билан тинчликка эришиш битимини тузишга тайёргарлик ишларини давом эттирмоқда.

“Қора-қизил коалиция”си тузилмоқда

Германия Федератив Республикасида (ФФР) канцлер Ангела Меркел бошчилигидаги Христиан-демократик иттифоқи (ХДИ) ҳамда Христиан-социал иттифоқи (ХСИ)ни ўз ичига олган блок ҳамда Социал-демократик партия (ГСДП) бир ойдан ортқ мuddат давом этган мунозаралардан сўнг "қора-қизил коалиция"ни тузишга келишиб олишди.



Маълумки, шу йилнинг 22 сентябрида мамлакат парламенти — бундестагга бўлиб ўтган сайловларда ХДИ-ХСИ блоки сайловчиларнинг 41,5 фоиз овозини олишга муваффақ бўлган эди. Бироқ Меркел бошчилигидаги блок ҳукуматни шакллантириш учун етарли овоз тўплай олмаганига босис Германия қонунчилигига қўра, галаба қозongan партия, бошқа сиёсий ҳаракатлар билан коалиция тузишга мажбур бўлди.

170 саҳифадан иборат битим кенг жамоатчилик эътиборига тез орада ХДИ раиси Ангела Меркел, ХСИ етакчиси Хорст Зеёхофер ҳамда ГСДП раҳбари Зигмар Габриел томонидан тақдим этилиши режалаштирилмоқда.

Томонлар келишувга эришиш учун бир-бирларига ён беришга мажбур бўлдилар. Хусусан, социал-демократларнинг 2015 йилдан бошлаб энг кам иш ҳақининг бир соат учун мўлжалланган қиймати 8,50 еврони ташкил этиши ва пенсия таъминотини такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирлар ҳақидаги талаб ҳамда тақлифлари борасида бир тўхтамга келинди.

Дастлаб Ангела Меркел Германиядаги тезорар автомагистраллардан ўтганлик учун солиқ тўловларини жорий этиш масаласида қаршилиқ кўрсатган бўлса-да, бироз вақт ўтиб, бу борада ҳам муросага келинди. Бундай солиқ фақатгина хориқлик меҳмонларнинг энгил автомобилларига солинадиган бўлди.


Шунингдек, социал-демократларнинг ГФРда тутилган муҳожириларнинг фарзандларига икки давлат фуқаролигини беришга оид тақлифи маъқулланди. Гап шундаки, шу пайтга қадар чет элликларнинг Германияда тутилган фарзандлари 23 ёшда қайси давлат фуқаролиги паспортга эга бўлишини танлаши шарт эди.

Келишувнинг сўнгги қисмида Ангела Меркел, Хорст Зеёхофер ва Зигмар Габриелнинг ўз томонлама учрашуви бўлиб, унда "қора-қизил коалиция"сининг лойиҳаларни амалга оширишда сарфла-нишига оид молиявий масала муҳокама қилинди.

Битим шартлари партия аъзолари томонидан маъқулланган тақдирда, ГСДП етакчилари янги ҳукуматнинг олтинчи вазирлигида вазир сифатида, ХДИ вакиллари бешта идорада раҳбар ва федерал лавозимларда фаолият юритиши режалаштирилмоқда. Шу аснода Ангела Меркелнинг жорий йил 17 декабрда учинчи бор федерал канцлер лавозимига сайланиши кутилмоқда.

Энг катта қуёш энергияси заводи очилиш арафасида

Шу йил охирига бориб дунёдаги энг катта қуёш энергияси заводи Калифорнияда ишга тушади. Шамол ва қуёш ёрдамида олинган қувват одатда табиат учун зарарсиз ҳисобланади. Аммо экологлар бундай йирик лойиҳа чўл экосистемасига зарар етказишидан хавотирда.



Завод қурилатган Айванпа чўли Лас-Вегасдан 60 километр масофада жойлашган. Заводни "BrightSource Energy" компанияси қурапти.

Маълумотларга қўра, заводда 170 мингта гелиотроп ойналар ўрнатилди. Улар ёрдамида қуёш энергияси учта минорада жойлашган қозонларга юборилади. Қозонлар ишга тушиб, улардаги буғ турбиналарни ҳаракатга келтиради ва энергия ишлаб чиқаради. Буғ ҳарорати 260 даражадан ҳам ошиши мумкин. Муҳтақиссларнинг айтишича, қуёшнинг иссигини эритилган туз шаклида сақлаш мумкин. Бу ҳатто қуёш ботганида ҳам электр энергиясини ишлаб чиқариш имконини беради. Заводнинг йил охирида ишга тушиши кутилмоқда.

Имтиёз самаралари

Қарор ва ижро

Иқтисодиётнинг турли тармоқларида ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш миллий иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашнинг муҳим макроиқтисодий омилларидан бири ҳисобланади. Иқтисодчилар ҳисоб-китобига қўра, солиқ имтиёзлари бериш ва солиқ миқдорини камайтириш натижасида иқтисодиёт ва давлат даромадларининг ўсиши кузатилади. Айниқса, бюджетга солиқ тўлошдаги имтиёзлар меҳнат унумдорлигини ошириб, бюджетга тушадиган умумий даромадларни кўпайтиришга олиб келади.

Шу маънода, Президентимизнинг 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қарор рақобатбардosh юқори сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтириш, турларини кенгайтириш, ички истеъмол бозорини улар билан янада тўлиқроқ бойитиш,

лиги ва мулк солиғи, ягона солиқ тўловлари ва республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилган.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган исчиликларнинг устувор йўналишларидан бири бу — кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир. Рақобатбардosh, сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш учун замонавий технологиялар зарур бўлади. Бунда тадбиркорлик субъектларининг инвестицион лойиҳалари банк кредитлари билан таъминланиши муҳим роль ўйнайди.

Қарорга мувофиқ, ишлаб чиқарувчи корхоналарга технология ускуналар харид қилиш, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва материаллар сотиб олиш учун, улгуржи савдо корхоналарига маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан ноозиқ-овқат истеъмол товарларини харид қилиш учун Ўзбекистон Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкасида ошмайдиган фоизли

ставка бўйича белгиланган тартибда махсус кредит линияларини очиб тавсия этилган.

Қарорда назарда тутилган солиқ ва божхона имтиёзлари берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар янги ишлаб чиқаришни барпо этишга, корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга, ишлаб чиқаришда зарур бўладиган хомашё ва материаллар харид қилишга, киритилган инвестицияларни қоплаш, жумладан, кредитларни тўлашга йўналтирилиши белгиланган.

2013 йил 1 октябрь ҳолатига қўра, Миробод тумани давлат солиқ инспекциясида 8 та корхона "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилиши рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарор асосидаги солиқ имтиёзларидан фойдаланиб келмоқда. Шундай корхоналардан бири "Genprodchik plus" МЧЖ тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарув-

чи корхонасининг маҳсулотларини сотишдан қўраган соф фойдасига солиқ имтиёзи қўлланилган. Корхона бўшаган маблағларни тайёр маҳсулотларининг таннархини арзонлаштиришга, ходимларни рағбатлантиришга ҳамда ишлаб чиқариш техника жиҳатдан модернизациялашга йўналтирган.

"Maya the bee" МЧЖ болалар учун тикувчилик маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхона ҳам қарор асосида бўшаган маблағларини корхона лизингини қоплашга йўналтирган.

Шубҳасиз, бу каби имтиёзлар юқори сифатли, рақобатбардosh маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг кўпайишига, ички истеъмол бозорини ривожлантиришга ҳамда бандликка кўмаклашишига хизмат қилади.

С.МҲИНОВА, Миробод тумани ДСИ "камерал назорат" бўлими катта инспектори

Спорт соҳасидаги қонунчилик ижроси

ёш авлод учун яратилаётган шароитларда намоён бўлмоқда

Назорат-таҳлил

Жамият ҳаётига дахлдор ҳар қандай эзгу мақсад ва режалар мустақкам ҳуқуқий базага, қонуний асосларга эга бўлмоғи керак. Шу маънода, истиқлол йилларида фуқароларимиз, айниқса, мамлакатимиз ёшлари учун янги-янги спорт иншоотлари қуришга, уларни замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, ҳар бир болага етарли шарт-шароитлар яратишга катта эътибор қаратилиб, соҳанинг мустақкам ҳуқуқий асослари яратилган.

Мустақил мамлакатимизнинг дастлабки қонунларидан бири сифатида 1992 йил 14 январда ижтимоий ҳаётга кириб келган ва 2000 йил 20 майда янги тахрирда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»ги қонун соҳага оид муҳим ҳуқуқий пойдевор бўлди. Унга кўра ҳар бир фуқаро жинсидан, ёшидан, миллатидан, динидан, мулкӣ ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, жисмоний тарбия ва спорт билан шугулланиш, жисмоний тарбия-соғломлаштириш йўналишидаги жамоат ташкилотларига бирлашиш, жисмоний тарбия-спорт ҳаракатини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, мамлакатимиз халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида «Жисмоний тарбия ва спорт халқаро Хартияси»да белгиланган мажбуриятларни ҳам бажариб келмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ушбу халқаро ҳужжатда белгиланган, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи мустақкам ҳуқуқий асослар мавжуд.

Хусусан, Хартиянинг мақсад ва вазифалари «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида», «Таълим тўғрисида»ги ва бошқа бир қатор қонунларимизда ўз аксини топган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Болалар спортини ривож-

лантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, «Болалар спорт объектларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш борасидаги кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори спорт соҳасига оид давлат сиёсатини амалга оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз томонидан шу йилнинг 3 июлида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Миллий олимпия кўмитаси ҳузуридаги Республика спорт тиббиёти илмий-амалий марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори эса спорт тиббиёти соҳасидаги ишларни янада ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Ҳўш, ушбу қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар бугун ҳаётда нечоғлик ўзининг амалий ифодасини топмоқда?

Ана шу саволларга аниқлик киритиш мақсадида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2013 йилга мўлжалланган фаолиятининг асосий йўналишларига мувофиқ, Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар кўмитаси томонидан ташкил этилган ишчи гуруҳ шу йилнинг сентябрь ойида Жисмоний тарбия ва спорт халқаро Хартияси миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган нормаларининг Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги тизимидаги ижросини назорат-таҳлил тартибда ўрганиб чиқди.

Маълумот ўрнида айтиш жоизки, Жисмоний тарбия ва спорт халқаро Хартияси 1978 йил 21 ноябрда Париж шаҳрида БМТнинг таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бош конференцияси томонидан қабул қилган. Ушбу Хар-



тия ЮНЕСКОга аъзо давлатлар учун тавсиявий характерга эга бўлиб, мазмун-моҳиятига кўра, спорт орқали халқларни бир-бири билан таништириш, маданиятлараро ҳамкорлик, тинчлик, дўстлик, ўзаро бир-бирини тушуниш, миллатлар ва маданиятлараро ҳурмат каби умуминсоний қадриятларни ривожлантиришни назарда tutади.

Назорат-таҳлил ишлари натижалари шуни кўрсатадики, мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш масаласига инсон санолатлиги ҳамда жамият таракқиётининг муҳим омили сифатида ёндашиб келинмоқда.

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида яратилган мустақкам ҳуқуқий асослар ва шарт-шароитлар натижасида, ҳудудларда замонавий спорт мажмуалари ва иншоотларини барпо этиш, уларни бугунги кун талаблари ва жаҳон андозаларига мос равишда жиҳозлаш, ёшларни спортга кенг жалб этиш ва юқори малакали спорт усталари ҳамда мураб-

бийларни рағбатлантириш тизимини яратиш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спортнинг ролини ошириш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, ҳар бир шаҳар ва қишлоқда замонавий талабларга жавоб берадиган, зарур ағжомлар билан жиҳозланган спорт майдончалари, иншоот ва мажмуаларни барпо этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бераётгани эътиборга молик.

Юртимизда аънаъанга айланган, Олимпия ҳаракати тамойилларига тўлиқ мос келадиган уч босқичли спорт ўйинлари – «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» мусобақалари ёшларнинг нафақат спорт соҳасига оид ҳуқуқлари таъминлини, балки уларнинг ўз ихтидорлигини намоён этишларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, мамлакатимизда

80 дан ортиқ спорт турлари бўйича федерациялар ташкил этилган бўлиб, улар томонидан Ўзбекистон терма жамоасига тайёрлаб берилаётган маҳоратли спортчилар юртимиз шаънини жаҳон спорт майдонларида химоя қилиб келмоқдалар.

Шу ўринда, бир қатор халқаро спорт мусобақалари ва анжуманлар мамлакатимизда юқори савияда ўтказилаётганлиги, спорт соҳасига оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасида эришилаётган натижалар жаҳоннинг нуфузли халқаро ташкилотлари томонидан эътироф этилаётганлигини таъкидлаш жоиздир.

Бугунги кунда Ўзбекистон каноэ ва байдаркада эшак эшишни ривожлантириш бўйича Франциядаги Сент Лорен Блонжи спорт ассоциацияси ҳамда спорт ва бадий гимнастикани ривожлантириш бўйича Германиядаги Рейн гимнастика федерацияси билан ўзаро ҳамкорлик ўрнатиш тўғрисида битим имзолаган.

Ўзбекистон Давлат жисмо-

ний тарбия институти профессор-ўқитувчилари илмий-педагогик билимларни ва илмий алоқаларни ривожлантириш борасида 10 дан ортиқ ривожланган Европа ва Шарқ мамлакатлари олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ўрнатган.

Айни пайтда, мамлакатимизда 14 та олий ва 28 та ўрта махсус таълим муассасаларида жисмоний тарбия ва спорт соҳаси учун йилга икки миңдан зиёд олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрланади.

Бундан ташқари, 2003-2012 йилларда юртимизда 23 мингта спорт тadbирлари ўтказилган бўлса, уларнинг қарийб 17 мингтаси қишлоқ жойларида ташкил этилган. Ана шу тadbирларда 10,5 миллиондан ортиқ ёшлар ва болалар, жумладан, қишлоқ жойларида яшайдиган 7,6 миллион нафар ўғил-қизлар иштирок этган.

2003-2012 йиллар давомида Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш Жамғармаси

маблағлари ҳисобидан жами 1375 та спорт иншоотлари (иншоотларнинг 80 фоизи қишлоқ жойларида) фойдаланишга топширилган. Улар Жамғарма томонидан 25,8 млрд. сўмлик спорт асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Жисмоний тарбия ва спорт объектларини жиҳозлашда зарур бўладиган 120 турдаги спорт инвентарлари ва ускуналарнинг 114 таси мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилмоқда.

Назорат-таҳлил фаолияти шуни ҳам кўрсатадики, амалиётининг энг долзарб муаммолари бўйича илмий-тадқиқот ишларини ҳамда услубий ва оммабоп адабиётларни нашр этишни кенгайтириш, спортнинг миллий турларини ва халқ ўйинларини ривожлантириш, жисмоний тарбия ва спорт-соғломлаштириш пуллик хизматлари сифатини ошириш, шунингдек, аҳолининг кенг қатламлари орасида спортнинг тарбиявий ва соғломлаштиришдаги ролини тарғиб қилиш ҳамда спортни оммалаштиришга қаратилган чора-тадбирларни янада кучайтириш бугунги куннинг талабидир.

Ўқинида бўлиб ўтган назорат-таҳлил яқунларига бағишланган кўмита ййгилишида Хартия нормалари ижросини, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт соҳасига оид миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ислохотларнинг самарадорлигини ошириш, соҳадаги муаммоларни ҳал қилиш йўллари аниқ белгиланган, шунингдек, тизимда халқаро ҳамкорликни кенгайтиришга доир ишларни янада кучайтириш юзасидан бир қатор таклифлар ишлаб чиқилди.

Умид ЖУМАНИЕЗОВ,
Ўзбекистон СДП
фракцияси аъзоси

Суратда: Косон шаҳридаги 6-болалар ва усмирлар спорт мактаби тарбияланувчиси Нозанин Жамшидова.

Т.ИСТАТОВ (ЎА)
олағ сурат

ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!

“Асака” банк (ОАЖ)

Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция кун байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:

«КОНСТИТУЦИЯ-2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фойзалар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

«Асака» банк – сармоянгизнинг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!

Хизматлар лицензияланган

Филиаллар

Тошкент шаҳар филиали
Автотранспорт филиали
Шайхонтоҳур филиали
Юнусобод филиали
Сирғали филиали
Тошкент вилоят филиали
Андижон вилоят филиали
Асака филиали
Фарҳод филиали
Фарғона вилоят филиали
Марғилон филиали
Олтириқ филиали
Кўқон филиали
Наманган вилоят филиали
Навоий вилоят филиали
Зарафшон филиали
Бухоро вилоят филиали
Бухоро шаҳар филиали
Самарқанд вилоят филиали
Афросиёб филиали
Қашқадарё вилоят филиали
Сурхондарё вилоят филиали
Қорақалпоғистон филиали
Хоразм вилоят филиали
Сирдарё вилоят филиали
Жиззах вилоят филиали

Код Телефон


371 120-83-13
371 120-39-95
371 140-39-36
371 221-80-67
371 258-67-49
371 120-84-13
374 224-40-96
374 233-13-69
374 226-97-53
373 224-70-83
373 237-12-37
373 432-10-11
373 552-61-04
369 226-94-75
436 223-54-32
436 573-18-78
365 223-71-94
365 770-11-27
366 231-08-86
366 221-77-56
375 221-12-93
376 770-82-12
361 770-60-59
362 226-97-58
367 225-44-03
372 226-43-11



Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлар сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- микдори чекланмаган!



Утеренное удостоверение ЧП “Кратовой П.В.” № 0801765 от 29.06.2005 г. считать не действительным.

ADOLAT

ижтимоий-сиёсий газета

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийёсий Кенгаши

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Наримон УМАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Абдуқамол РАҲМОНОВ, Зуҳра БОТИРОВА, Светлана ОРТИКОВА, Мамазонир ХУЖАМБЕРДИЕВ, Қолдир ЖУРАЕВ, Муҳаммад АЛИ, Таптал МУРОДОВ, Тошмулат МАТИБАЕВ, Алишер МУМИНОВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Абдували САЙБНАЗАРОВ

Бўлимлар: Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Ахборот, маънавият, хатлар ва шикоятлар билан ишлаш бўлими — 288-46-64 (146); Қабулхона — 288-42-23, 288-46-64 (141) факс; Котибият — 288-46-64 (144).

Навбатчи муҳаррир — А.Йулдошев. Навбатчи — Ф.Жураев.

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят руҳсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

Тахририят манзили: 100043,

Тошкент шаҳри, Чиланзор тумани

«Шарқ тоғи» кўчаси, 23-уй,

info@adolat.uz

adolat_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот

ва ахборот агентлиги томонидан 0018

рақами билан рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Буюртма — 1100. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2. Адади — 7093. Босишга топшириш вақти — 21.15. Босишга топширилди — 22.25

1 2 4 5